

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

ЁЗДАН ОРТГАНИ
ҚИШГА ШИФО

Ёз фасли юртимизда пишиқчилик мавсуми. Бу пайтда кўпга мевалар фарқ пишади, сабзавоту полиз экинлари йиғиб олинди, бозор расталари ва консерва заводлари-га, маълум қисми эса экспортга жўнатилади. Айниқса, ҳозир консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда иш қизғин.

Зангиота тумани "Олмазор" маҳалласида жойлашган "Uz kand" корхонасида худди шу жараённинг авж палласи. Фаолият бошлаганига энди-на 4 йил бўлган мазкур заводда ҳозир мева ва сабзавотлардан барча турдаги консерва маҳсулотлари тайёрланади.

— Технологик линиялари-миз Хитойдан келтирилган, — дейди корхона иш юритувчиси Умид Бадалов. — Ишлаб чиқариш қилин-ёзин давом этади. Пишиқчилик мавсумида маҳсулотларнинг маълум қисми қайта ишланса, қолгани ғамлаб қўйилади. Тайёр бўлганларнинг қарийб 80 фоизи Жанубий Корея, Тожикистон ва Хитой каби мамлакатларга экспорт қилинади. Яна ички бозоримизни ҳам таъминлаймиз. Ҳозирда узум ва олма қуритишни бошладик. Келгусида иш қўламини янада кенгайтириб, экспорт ҳажмини ошириш ҳамда халқимизга табиий ва сифатли маҳсулотлар етказишни мақсад қилганмиз.

Бугунги кунда корхона фаолияти ортдан 15 нафарга яқин ишчининг бандлиги таъминланган. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти ёшлар. Шунингдек, мавсумга қараб ёлланма ишчилар ҳам жалб қилинади. Бу ерда фаолият юритаётганларнинг барчаси шу маҳалла аҳолиси.



4

Зангиота
томонларда"Сақкиз
оға-ини"
МАНЗИЛИ

Зангиота туманидаги "Олмазор" маҳалласида томорқачиларнинг тажрибаси вилоят бўйича омма-лаштиришга тавсия этилгани бе-жизга эмас. Сабаби, томорқаси-дан самарали фойдаланаётган аҳоли йилига 3 мартагача ҳосил олишга эришиб, бо-зорларимизни сархил сабзавоту мевалар билан тўлдирди-моқда.

Вилоятимизда қайта тикланувчи энергия манбалари оммалаштириш ва энергия ресурсларини иқтисод қилиш бўйича аҳоли хонадонлари, корхона ва ташкилотларда муқобил энергия манбалари-дан фойдаланишга ўтиш куннинг муҳим вазифаларидан биридир.



Маҳалланинг "Сақкиз оға-ини" кўчасига бурилдик. Кўчанинг бир томонида хонадонлар, иккинчи томони кенг узумзор. Уйларнинг олдидаги кафтдек ер ҳам бўш эмас: турфа гулу райхонларнинг ифори таралиб турибди. Эътиборимизни узумзор четда бир текис тахланган ўтинлар тортди. Деярли ҳар бир хонадоннинг рўпарасида ўтин ғамланган. Ҳаёлимиздан "Маҳаллага газ келмаганими?" деган фикр ўтди.

4

2023
9-ИЮЛ
O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамизнинг бугунги сониде Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар — Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Робахон Махмудова, Ўзбекистон Экологик партиясидан Абдушукур Ҳамзаевнинг сайловолди ташвиқотида оид мақолалар чоп этилмоқда.

Мазкур мақолалар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинапти.

2-саҳифага қаранг

ТАШВИҚОТ УЧУН ТЕНГ ва КЕНГ
ИМКОНИЯТЛАР

Эътибор қаратадиган бўлсак, Сайлов кодексиде, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг Сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низомда, сайловолди ташвиқотида номзодлар учун тенг имкониятлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб қўйилган. Мисол тариқасида, Сайлов кодексининг 41-моддасига кўра, Президентликка кўрсатилган номзодлар рўйхатга олингандан бошлаб, тенг ҳуқуқларга эга бўлади. Дарҳақиқат, тенглик адолатнинг, қонуний-лиқнинг, шаффофликнинг сайлов жараёнида таъминланишининг муҳим гаровидир.

Мисол тариқасида, Қозоғистон Республикасининг Сайловлар тўғрисидаги қонунининг 28-моддасига кўра, Президентликка қўйилган номзодлар рўйхатга олиш тугаган кундан бошлаб, ҳар бир номзод бир вақтда, тенглик асосида сайловолди ташвиқотида киришиши белгилаб қўйилган.

Сайловолди ташвиқоти: биринчидан, номзодларнинг шахси, билими ва салоҳиятини сайловчилар олдида тўла намоён қилишга, иккин-

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИҚУРБОН ҲАЙИТИНИ
НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Асрлар давомида халқимизга хос меҳр-оқибат, хайр-саховат каби эзгу умуминсоний қадриятларни намоён этиб келатган Қурбон ҳайити жонажон Ватанимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва шукроналик фазилатларини янада мустаҳкамлашга бекиёс ҳисса қўшмоқда. Ушбу улғу айёмнинг маънавий ҳаётимиздаги муҳим аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда уни мамлакатимизда муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 28 июнь — чоршанба кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорни инобатга олиб, юртимизда 2023 йил 28 июнь кунини Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Аҳолининг Қурбон ҳайити байрамини муносиб савияда ўтказиши учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил

23 декабрдаги "2023 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ-270-сон Фармони билан иш ҳафтасининг туридан қатъи назар барча ходимлар учун 2023 йилнинг 29-30 июнь кунлари, олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун 1 июль кунини қўшимча дам олиш кунини сифатида белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Қурбон ҳайити халқимизнинг миллий анъана ва қадриятларига мос равишда ўтказилиши учун

тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Маданият ва туризм вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Қурбон ҳайити кунларида мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қўлай шароит ва имкониятлар яратсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 19 июнь

Долзарб мавзу

Жорий йилда 5 мингдан ортиқ аҳоли
хонадонларига қуёш панеллари ўрнатилади

Бу борада ҳудудларда Ишчи гуруҳлар ва Штаблар ташкил этилиб, аҳолига мазкур ускуналарнинг қўлайликлари, афзаллик жиҳатлари ва яратилган имтиёзлар ҳақида маълумот бериб боришмоқда. Мазкур тарғибот ишлари натижасида аҳоли хонадонларига жорий йилда 5 минг 167 та қуёш панеллари ўрнатилиши режа қилинган. Ҳозиргача 3 минг 318 та оила (64 фоиз) қуёш панеллари ҳамда 11 минг литр қуёш сув иситиш ускуналари билан таъминланди.

Шунингдек, ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идораларига жами 1 минг 420 та ускуна ўрнатилиши кўзда тутилган. Ҳозирда эса, 500 дан ортиқ бино ва иншоотлар қуёш панеллари билан таъминланмоқда.

Бундан ташқари, аҳоли хонадонларига кичик қувватли қуёш панелларини ўрнатишни рағбатлантириш бўйича «Қуёшли хонадон» дастури амалга оширилмоқда.

Дастур доирасида жисмоний шахсларга тегишли объектларда



ўрнатилган қуёш панелларида ишлаб чиқарилган ва ўз истеъмолидан қоритиб ягона электр энергетика тизимига узатилган электр энергиясининг ҳар бир киловатт соатида 1 000 сўмдан субсидия ажратилади.

Хуқуқий давлат – қонун устуворлиги билан чапбарчас боғлиқ бўлган, фаолияти ва тузилиши халқ иродасига таянадиган, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлайдиган давлатдир.

Хуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири шуки, унда инсон олий қадрият ҳисобланади.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робохон Маҳмудова ўз сайловолди дастурида бу борада қатор ташаббусларни илгари сурган.

Номзод дастуридаги суд-ҳуқуқ ислохотлари, энг аввало, юртимизда суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, одил судлов самарадорлигига эришишга қаратилган.

Шунингдек, номзод дастурида суд жараёнида **томонларнинг чинакам тенглиги ва тортишув тамойилини рўёбга чиқариш**, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадлари ҳам кўзда тутилган.

Мазкур устувор мақсадларни рўёбга чиқаришда эса судьялар зиммасига низоҳатда муҳим – одил судловни Конституция ва қонунлардан ҳамда адолат тамойилидан оғишмай амалга ошириш вазифаси юклатилади. Зеро, айнан суд-ҳуқуқ тизими жамиятда қонун устуворлиги ва адолат барқарорлиги учун масъулдир.

Мамлакатнинг суд-ҳуқуқ тизими янгиланиб бориши замон талабларига мос равишда доимий эътибор, диққат ва изчил ислохотларни талаб этадиган узлуksиз жараёндр. Шу нуктаи назардан, “Адолат” социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Робохон Маҳмудованинг сайловолди дастурида **“Қонун устуворлиги – адолатли жамият қуришнинг муҳим шарт!”** тамойилини жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдор шахслар фаолиятининг муҳим қондасига айлантириш гоёси илгари сурилган. Чунки номзод кўп йиллар суд тизимида фаолият юритаётган тажрибали раҳбар-мутахассис сифатида бу борада муаммоларни чуқур англаган.

Номзод инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим шарти – **судлар мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяларнинг халқ депутатлари Кенгашларига ахборот бериш амалиётини бекор қилиш** таклифни илгари суради.

Ҳозир судьяларимиз халқ депутатлари Кенгашларида мунтазам равишда ўз фаолияти юзасидан берган ахборотларни давомда узлари чиқарган суд қарорлари, айрим пайтларда эса ҳали юритувда бўлган ва низоҳасига етмаган ишлар бўйича савол-жавоб қилиниши ҳолатлари ҳам учрайди.

Судьялар **сонини ошириш**, уларнинг иختисослашувини янада кенгайтириш, жумладан, **оилавий, меҳнат, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга** оид низолар бўйича иختисослаштирилган судьялар корпусини шакллантириш масалалари номзоднинг диққат марказида бўлади.

Бугунги кунда иш ҳажми кўпчилиги нуктаи назаридан судьялар “вақт босими” остида бўлиб, айрим ҳолларда судьянинг ўртача иш ҳажми бир неча юзлаб суд ишлари ва материалларни ташкил этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, судлар томонидан ишларни кўриш муддатига ва сифатига салбий таъсир ўтказиб, фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Масаланинг долзарблиги қуйидаги рақамларда яққол кўринади. Хусусан, ҳар **100 минг** аҳолига судьялар сони **Германияда 24, Россияда 18, Ўзбекистонда эса 3,7 нафарни** ташкил этмоқда. Бу муаммонинг ечими судьялар сонини босқинча-босқич оширишдadir. Судьялар ресурслардан оқилона фойдаланиш учун **уларнинг соҳалар бўйича иختисослашувини** кенгайтириш ҳам зарур бўлади.

Хорижий тажрибага мурожаат этсак, оилавий судлар **АҚШ, Хитой, Германия, Сингапурда** самарали фаолият кўрсатмоқда. 2022 йилда мамлакатимизда **58 мингдан орттиқ** солиқ, **40 мингдан орттиқ** оилавий низолар, вояга етмаганлар билан боғлиқ **49 мингга яқин** иш кўрилган.

Шунинг учун ҳам ҳозир энг долзарб бўлган соҳалар, яъни **оилавий, меҳнат, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар** ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича судьялар иختисослашувини амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ишончли ҳимоя қилишда адвокатура институтининг ўрни ва роли беқийсдор. Янгиланган Конституцияга **адвокатура бўйича алоҳида боб киритилиши** орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим қадам бўлди. Ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганда эса – унинг ҳаракатларини эркинлиги ҳуқуқи амалда чиқарилган пайтдан эътиборан ўз талловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга экани кафолатланди.

Шу билан бирга, **2023 йил 1 январь** ҳолатида Ўзбекистонда **4577** адвокат фаолият кўрсатмоқда. Бу эса, салкам **8 минг аҳолига 1 нафар** адвокат тўғри келишини аниқлатади. Ҳолбуки, бир адвокатта **Исроилда 136, АҚШда 260, Германияда 500** аҳоли тўғри келади.

Табиийки, кўпчилик ҳимоячи деб атайдиган адвокатсиз одил судловни таъминлаб бўлмайди. Тарафлар процессуал имкониятлари тенг бўлгандагина чинакам тортишув вужудга келади. Шу боис, **суд процессида адвокатнинг маъкеи прокурор билан тенг** бўлиши, адвокат томонидан кептирилган вахллар ва далиллар суд муҳокамаси эътиборидан четда қолмаслиги лозим.

Айни пайтда адвокатура институтини ривожлантириш сари яна илдам қадамлар қўйиш керак, судьянинг суд жараёнидаги фаол ролини босқинча-босқич камайтириб бориб, асосан, тарафлар ўртасидаги баҳсини кучайтириш ва улар кептириладиган далилларни баҳолашга кўпроқ ургу бериши керак.

“Адолат” социал-демократик партиясидан **Президентликка номзоднинг** сайловолди дастурида **адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгрок жорий этиш** йўлидан бориш зарурлиги қайд этилган. Айниқса, адвокатура, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини янада яхшилаш чораларини кўриш лозимлигига эътибор қаратилган.

Дастурда кам аҳамиятли хатолар учун нотариуслар фаолиятини тўхтатиб туриш амалиётига барҳам бериш, **биринчи мартаба ёки кўпол бўлмаган хатолар учун нотариусларга жазима қўллаш амалиётини йўлга қўйиш** таклиф этилган. Чунки ҳудудларда нотариуслар фаолиятининг вақтинча тўхтатиб турилиши орқасидан оддий фуқаролар турли оворасарчиликларга дуч келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ҳақли норозиликларига сабаб бўлмоқда.

Албатта, жамиятда бошқарув мукамал бўлса, тараққиёт ва юксалиш кафолатланган бўлади. Давлат бошқаруви қанчалик аниқ ва хатосиз ишлайдиган механизм бўлса, халқ шунчалик фаровон ва муносиб ҳаёт кечиради. Шу нуктаи назардан, давлат бошқаруви доимо янгиланиб борувчи, замон талабларига монанд тизим бўлиши керак. Юқорида қайд этилганлардек, номзоднинг сайловолди дастурида **давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, парламентаризм ва парламент демократиясини янада ривожлантириш** юзасидан қатор таклифлар ўрин олган.

Жумладан, маҳаллий кенгашларга туман (шаҳар) ҳокимларига

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



нисбатан **ишонсизлик** билдириш ҳуқуқини бериш таклиф этилган. Сўнгги йилларда жойларда ижро ҳокимияти устидан самарали назоратни таъминлашда маҳаллий кенгашларга қатор ваколатлар берилди. Хусусан, ижро ҳокимиятининг маҳаллий кенгашлар олдидаги ҳисобдорлиги, бюджет жараёнини назорат қилиш каби ваколатлар шулар жумласидандир.

Номзод ўз дастурида илгари сураётган ҳокимларга нисбатан **ишонсизлик** билдириш ҳуқуқини маҳаллий Кенгашларга берилиши эса, келажақда ҳокимларнинг ўзларига юклатилган вазифани масъулият билан, ҳисобдорлиқни ҳис этган ҳолда бажаришини ва шу билан бирга, ҳокимиятларнинг ўзаро тийиб туриш механизмининг тўлақонли татбиқ этилишини таъминлайди.

Президентликка номзод Робохон Маҳмудова **маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, такомиллаштирилиши** тарафдори. Шунингдек, маҳаллий бюджет маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш учун ушбу маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган штатлар сонини мақбуллаштириш ташаббуси илгари сурилмоқда.

Номзоднинг халқ вакиллари ваколатини кенгайтиришга оид яна бир ташаббуси – депутатлар **иш вақтининг ярмини** ўз сайловчилари билан мулоқотда ўтказишини белгилувчи тартибни жорий этиш таклифидир.

Ушбу ташаббуснинг амалиётга жорий этилиши келгусида халқ билан мулоқот қилиш тизимининг янги бир механизми шаклланишига олиб келади. Зеро, ўз сайловчилари билан кўпроқ мулоқот қилган халқ вакиллари, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари мавжуд муаммолардан яқиндан хабардор бўлиш, аниқланган муаммолар ечимини парламент имконият ва ваколатларидан фойдаланган ҳолда таъминлаш ҳамда мулоқотлар жараёнида сайловчилар томонидан билдирилган таклиф ва ташаббуслар асосида қонунчиликдаги **“оқ доғларни”** бартараф этиш имкониятига эга бўлади.

Шунингдек, номзод ўз сайловолди дастурида давлат бошқарувида **очиклик ва шаффофликни таъминлаш**, унда фуқаролар иштирокини кенгайтиришнинг замонавий ва самарали усулларини жорий қилиш тарафдори эканини маълум қилган.

Бу борада адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуришнинг барча жабҳаларида қонунийлик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилиш учун **жамоатчилик назоратини кучайтириш** катта аҳамият касб этади. Бундай назоратни ташкил қилишда сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси жамоатчилик ва ижтимоий ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда ҳаракат қилади.

Асосий шиори **“Адолатли келажакни танлаймиз!”** бўлган номзод инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун янги имкониятларини очиб тарафдори. Шунингдек, яна қатор чора-тадбирларни амалга ошириш жамиятда демократия ривожланишига хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Жумладан:

– тадбиркорлик субъектларига қўшимча харажатлар юклайдиган барча қонунлар фақат қонунлар орқали қабул қилинишига эришиш;

– қонунларни тўғридан-тўғри ишлайдиган механизмлар билан биргаликда қабул қилиш, бу борада парламент кўмиталари ишини кучайтириш;

– тадбиркорлик субъектлари ишига аралашмаслик, уларга оид масалаларни ижро органларидан талаб қилиш юзасидан парламент назоратини амалга ошириш.

Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши лозимлиги янгиланган Конституциямизнинг 20-моддасида муҳим қоида сифатида алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди.

Яъни давлат инсоннинг бирор ҳаракати учун жазима ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чорасини белгиламоқчи бўлса, мазкур принципга амал қилиши лозим. Кам аҳамиятли қилмиш учун унга мутаносиб бўлмаган оғир жазо чорасини белгилаш мумкин эмас.

Мутаносиблик билан боғлиқ нормалар қўллаб давлатлар Конституцияларида белгиланган ва кўп мамлакатларнинг миллий суд амалиётларида қўлланилади. Бу тамойил **Марказий ва Шарқий Европанинг** деярли барча давлатида, шунингдек, **Лотин Америкаси мамлакатлари, Австралия ва Янги Зеландия, Жанубий Корея** каби давлатларда ҳам мавжуд.

“Адолат” СДП номзоди ўз олдида юқорида қайд этилган эзгу мақсад-вазифаларни белгилаб олган. Улар адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш – ижтимоий ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш, меҳнаткаш халқимиз учун муносиб фаровон ҳаётни барпо этиш, мамлакатимизда барқарорликка ва ижтимоий адолат устуворлигига эришишга қаратилгандир.

Ишонимизки, номзоднинг бундай эзгу мақсадлари сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланади!

Ўзбекистон – бизнинг умумий уйимиз. Шундай экан, унинг ҳар бир фуқароси эркин ва адолатли жамиятда, тинчлик ва фаровонликда яшашга ҳақлидир!

Адолатли жамият ва ҳуқуқий давлатни биргаликда қура-миз!

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари

TOSHKENT HAQIQATI

СОҒЛОМ ЭКОЛОГИК МУҲИТ БИЛАН СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ҚУРАМИЗ

Айни пайтда мамлакатимиз тарихидаги муҳим сиёсий воқеа – 2023 йил 9 июлда ўтказилиши кутилаётган Ўзбекистон Президенти сайловига ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрилмоқда.



турмуш шароитларини яратиш ҳамда фаровон жамиятни барпо этиш каби муҳим масалалар А.Ҳамзаевнинг сайловолди дастурида асосий мақсад этиб белгилангани эътироф этилди.

Шунингдек, дастурдан ўрин олган, экология соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва “яшил” иқтисодиётга ўтишини жадаллаштириш, экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини амалга ошириш, мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини таъминлаш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, аҳоли учун қулай атроф-муҳит шароитларини яратиш йўналишларида амалга ошириш режа қилинган ишлар тўғрисида сўз юритилди.

Абдушуккур Ҳамзаевнинг сайловолди дастурига кўра келгусида яшил ҳудудлар, тоғ ён бағирлари, Дарё ва кўллар соҳилларидаги ҳар қандай қурилишлар экологик экспертиза ва жамоатчилик



назоратидан сўнг амалга оширилиши таъминланади.

Хавфли чиқиндилар, тиббиёт ва биологик ҳамда қурилиш чиқиндиларини бошқариш ва қайта ишлашни тартибга солувчи “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинади.

Биологик хилма-хиллик ва экотизимларни сақлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонларини кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари муҳофазасини кучайтириш мақсадида тегишли қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилади.

Шунингдек, ҳар қандай инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш, табиий ресурслар билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишда уларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш тизими жорий этилади.

Бугун бутун дунё экологик муаммолар гирдобига қолаётганини ҳар биримиз яхши англаб турибмиз. Сайловчилар ҳам сайловолди дастуридаги ана шу вазиятларга қаратилган муҳим таклифларга эътибор қаратиб, номзоднинг сайловолди дастурини қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдириб ўтишди. Учрашув қизгин фикрлар, таклиф ва муҳокамаларга бой тарзда ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан партия фаоллари Исмоил Масалиев, Чинали Холиков, Ҳалил Қаршибоев, шунингдек, Экопартия аъзолари ва жамоатчи инспекторлари номзоднинг дастурида ҳаётий муҳим масалалар ўрин олгани, унда халқимиз, жамиятимиз, давлатимиз фаровонлиги билан боғлиқ ташаббуслар илгари суриляётгани, ушбу ташаббуслар бугунги кундаги долзарб муаммолар ечимига йўналтирилган бўлиб, уларни амалга ошириш мамлакатнинг барқарор ривожланишига, халқнинг фаровон ҳаётига замин яратишини таъкидлаб ўтишди.

Нигора ИБРАГИМОВА,
Ўзбекистон Экологик партияси
Тошкент вилояти партия ташкилоти
бош мутахассиси

Ўзбекистон Экологик партиясидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдушуккур Ҳамзаевга овоз беринг!

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод Робохон Маҳмудовага овоз беринг!



Кучли фуқаролик жамияти сари

Жамоатчилик Кенгаши аъзолари билан мулоқот

Бугун замон шиддат билан ривожланмоқда. Айни жараёнда эса, жамоатчилик вакиллари билан мулоқот фаоллиги ҳар қачонгидан долзарблик касб этмоқда.

Ички ишлар вазирлигида ўтган йиғилишда янги ташкил этилган Жамоатчилик кенгашлари фаолияти, аъзоларнинг вазифалари, шунингдек, қилиниши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди.

Видеоселектор тарзда ўтказилган тадбирда Тошкент вилояти ИИББ соҳавий хизмат бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, бўлим ва бўлинма бошлиқлари, маънавий-маърифий ишлар ва барча шахсий таркиби ҳамда жамоатчилик Кенгашининг янги аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мулоқотни Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор А.Икрамов олиб борди.

Тадбирда вазирлик ҳузурида тузилган янги Жамоатчилик кенгаши раиси Ёдгор Саъдиев, Ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси, генерал-полковник Зокиржон Алматов сўзга чиқиб, бугунги кунда Ички ишлар соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг натижадорлиги, ходимларнинг хизмат вазифасига ёндашуви ҳамда фуқаролар билан мулоқот жа-

раёнида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатларга тўхталиб ўтилди.

Бундан ташқари тизим имконини шакллантиришда бугун нималарга аҳамият қаратиш лозимлиги бўйича тақдир ҳамда мулоҳазалар билдирилди.

— Тизимни халқчил структурага айлантиришда Жамоатчилик кенгаши фаолияти фойдаланилади. Бу борада тизимда, хусусан, вилоятимизда амалга оширилаётган қатор ишлар юзасидан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорликка ҳаммиша тайёриймиз, — дейди Тошкент вилоят ИИББ Жамоатчилик кенгаши раиси А. Шомуродов.

Қизгин мунозараларга бой тарзда ўтган Кенгаш йиғилишида аниқ мақсад ва дастурлар тузилиши, халқ билан давлат ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, аҳолини рози қилиш, фуқаролар хавфсизлигини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги ишларни кенг жамоатчиликка етказишнинг замонавий йўл ва воситалари хусусида фикр алмашилди.

Ўткир ҚОШИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Жараён

КУЗАТУВЧИЛАР МАЛАКАСИ ОШИРИЛДИ

Мамлакатимизда Президент сайловларига тайёргарлик қўриш жараёни аниқ қизгин паллага кирди. Бундай муҳим сиёсий воқеа – Президент сайловини очиқ ва ошқора, шаффоф ҳамда адолатли ўтказишда кузатувчиларнинг ўрни ниҳоятда катта.

Бу ҳақда Нурафшон шахрида "Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти"нинг Тошкент вилояти ҳудудий бўлини маси ҳамда Омбудсманнинг вилоят бўйича минтақавий вакиллари билан ҳамкорликда ташкил этилган амалий семинарда ҳам алоҳида таъкидланди.

Мазкур учрашув Ўзбекистон Республикасида мuddатидан илгари бўлиб ўтадиган Президент сайловлари олтидан маҳаллалардан кўрсатилган кузатувчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш масалаларига бағишланди. Унда эксперт ва мутахассислар томонидан мамлакатимиз миллий сайлов тизимидаги муҳим ўзгаришлар, кенг қўламли ислохотлар, шунингдек, бўлажак Президент сайловида очиқлик, ошқоралик ва шаффофликнинг таъминланиши, бу борада кузатувчиларнинг аҳамияти, ўрни



ва роли ҳақида умумий тушунчалар берилди.

Шунингдек, семинар-тренинг давомида сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар ва уларнинг халқроқ меъёрларга нечоғлик мос эканлиги, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари, уларнинг ваколат ҳамда функциялари, иштирокчиларга тарқатма материаллар ҳақида, жамоатчилик мониторинги мақсадлари хусусида мутахассислар томонидан батафсил маълумотлар берилди.

Семинар қизикли баҳс-мунозара ва савол-жавобларга бой бўлди.

НИГОРА УРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Сайловолди тадбирларнинг асосий мақсади, сайловда иштирок этувчи номзоднинг билим-салоҳияти, ҳокимиятга бўлган иштилиши ва бу борадаги дастурийнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш орқали сайловчиларнинг ишончини қозонишдир. Шунга таъкидлаш жоизки, сайловолди тадбирлари номзодлар учун ўз имкониятларини намоён қилиш йўлидаги ўзига хос сиёсий-ҳуқуқий майдон бўлиб ҳисобланади.

Парламентларо Иттифок Кенгашининг 1994 йил 26 мартда қабул қилинган "Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида"ги Декларациясида, "Ҳар бир номзод ёки сиёсий партия сайловларда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имкониятларга эга бўлиши лозимлиги"



ҳамда "давлат органлари сайлов кампаниясини давлат ва жамоат оммавий ахборот воситалари томонидан ҳолисона ёритилиши учун зарур чораларни белгилаш лозимлиги" қайд этилган.

Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш жоизки, қонунчилигимизда мувофиқ, номзодларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун маблағлар давлат бюджетидан ажратилади. Номзодларни бошқа манбалардан пул маблағларини ўтказиш (киритиш), товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шаклида молиявий таъминлаш ва бошқача тарзда молиявий қўллаб-қувватлаш тақиқланади. Адолатлилик, ҳолислик таъминланиши мақсадида сиёсий партиядан кўрсатилган номзод сайлов кампаниясида иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган республика бюджетидан маблағларнинг ҳажми МСК томонидан тенг улушларда белгиланади.

Эътибор берадиган бўлсак, бу йилги Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловларда давлат бюджетидан 174 миллиард, 130 млн. сўм пул маблағи ажратилди. Шундан, партияларнинг умумий тадбирларини ўтказиш ва партиялар томонидан кўрсатилган номзодларнинг сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар миқдори 19,655 миллиард сўм ёки тўрт нафар номзоднинг ҳар бири учун 4,914 миллиард сўм миқдорда тақсидланади. Бу маблағлар албатта тенглик тамойилини мустақамлашган ҳолда, номзодлардан ўта фаоллиқни талаб этади.

Сайлов кодексига кўра, ташвиқот олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақтини ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шaroитлар таъминланади. Оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча учун тенг ва бир хил бўлиши керак. Қолаверса, номзодлар ва сиёсий партияларга босма, кўргазмали, аудиовизуал материалларни, фонограммаларни, босма маҳсулотнинг электрон шакллари ва бошқа ташвиқот материалларини монеликсиз чиқариш ҳамда тарқатиш учун тенг шaroитлар яратилади.

Дарҳақиқат, ҳозирда сайловолди ташвиқотларда сиёсий партиялар, номзодлар томонидан

дан замонавий оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш қўлами кенгайиб бормоқда. Бу албатта, номзодларга ўзининг дастурида илгари сурилган йўналишлар, мақсад ва вазифалар, келажакка мўлжалланган режаларни кенг жамоатчиликка тушуинтиришда бевосита қўл келади.

Тенглик ҳақида гапиряпмиз, бунинг исботи сифатида жорий йилнинг 5 июнида Марказий сайлов комиссиясининг 1272-Қарори билан тасдиқланган номзодлар учун Республика марказий телерадиоканалларида, яъни, "Ўзбекистон 24", "Ўзбекистон", "Ёшлар", "Маҳалла" каналларида тенг миқдорда бепул эфир вақти ва ҳажми белгилаб берилди. Узатиладиган марказий телерадиоканалларидаги эшиттиришлар айнан фуқаролар учун қўлай, пайимтайм вақтига мўлжалланган.

Маҳаллий телерадиоканалларида эса, бир номзод учун ажратилган эфир вақтининг умумий ҳажми 100 дақиқани ташкил этган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ҳар бирига видео ва радиороликларни трансляция қилиш учун 2023 йил 7 июль - 7 июль даврда ҳар кун ҳар бир маҳаллий телерадиоканалда 2 дақиқадан (жами 62 дақиқа) эфир вақти ҳам белгиланган.

Қолаверса, "Янги Ўзбекистон", "Правда Востока", "Халқ сўзи", "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда", "Народное слово" каби газеталарда ҳамда маҳаллий 20 дан ортқ газеталарда нашр майдони номзодлар учун аниқ жадваллар асосида, тенглик принципи қўлланилган ҳолда белгиланган.

Мисол тариқасида, Озарбайжон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ҳар бирига видео ва радиороликларни трансляция қилиш учун 2023 йил 7 июль - 7 июль даврда ҳар кун ҳар бир маҳаллий телерадиоканалда 2 дақиқадан (жами 62 дақиқа) эфир вақти ҳам белгиланган.

Қолаверса, "Янги Ўзбекистон", "Правда Востока", "Халқ сўзи", "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда", "Народное слово" каби газеталарда ҳамда маҳаллий 20 дан ортқ газеталарда нашр майдони номзодлар учун аниқ жадваллар асосида, тенглик принципи қўлланилган ҳолда белгиланган.

Мисол тариқасида, Озарбайжон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ҳар бирига видео ва радиороликларни трансляция қилиш учун 2023 йил 7 июль - 7 июль даврда ҳар кун ҳар бир маҳаллий телерадиоканалда 2 дақиқадан (жами 62 дақиқа) эфир вақти ҳам белгиланган.

байжон Сайлов кодексининг 78-моддасига қарайдиган бўлсак, сайловолди ташвиқотларида номзодлар ОАВидан фойдаланишларида тенглик тамойили устувор аҳамият касб этади. Франциянинг Сайлов кодексига ҳам номзодлар ОАВдан фойдаланишларда тенглик тамойилига алоҳида эътибор қаратилган.

НОМЗОДЛАРГА ЯНА ҚАНДАЙ ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР БЕРИЛГАН?

Эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида номзодлар сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида, телевидение ва радио

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР ТЕНГЛИК АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИМИ?

Сайловолди ташвиқот усуллари билан учрашувлар ўтказишдир. Сайлов кодексининг 48-моддасига кўра, номзодларга ва сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали ташвиқот учун тенг шaroитлар яратилади.

Сайловолди учрашувлари, номзод учун муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, бу орқали депутатликка номзодларнинг фаоллиги ортади, чунки, фаол қатнашиш ёки қатнашмаслик, номзодлар ва сиёсий партиялар учун сайловда

орқали сўзга чиқиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда озод бўлиш ҳуқуқига эга. Демак, ҳар бир номзод сайловолди ташвиқотларида ўзининг асосий ҳаракатларини сайловчиларга намоён қилиш даврида, уларга қўлайлик яратиш мақсадида унга тенглик шaroитлари яратиб берилади.

Шунингдек, номзод учун муҳим тенглик кафолати сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар эса Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (бундан шахар йўловчи транспорти, такси ва бошқа транспорт турларининг буюртма йўналишлари мустасно) текинга юриш ҳуқуқига эга. Номзодларнинг хизмат сафари ва бошқа харажатлари сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан тўланади

Шунингдек, таъкидлаш лозимки, Президентликка номзодларга янада қўлайлик яратиш, уларга сайловолди ташвиқотларда яқиндан кўмак бериш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ўн беш нафарга қадар ишончли вакиллар олиш ҳуқуқига эга. Бу ерда ҳам ҳамма рўйхатдан ўтган номзодларга бир хил сондаги кўмаклашувчиларни ажратиш белгилаб қўйилмоқда. Ишончли вакиллarning ўзи, номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради, сайлаш учун ташвиқот олиб боради, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатларини ифодалашда кўмак беради.

қатнашишдаги энг асосий масала яъни, голиб чиқиш ёки мағлубиятга учраш каби оқибатларга олиб келади. Сайловолди ташвиқоти шакл ва усулларида самарали фойдаланиш, Президентликка номзодлар ва уларни кўрсатган сиёсий партиялар учун ўзига хос синов ҳисобланади. Сайловолди тадбирларининг қандай ўтказилиши номзод тарафдорлари сонининг кўпайиши ёки камайишига, унинг мавқеининг кўтарилиши ёки тушиб кетишига олиб келиши мумкин. Сайловчилар билан учрашувлардан мақсад ҳам сайловда иштирок этаётган номзоднинг билим ва салоҳияти, ўз дастурийнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш орқали сайловчиларнинг ишончини қозониш ва тарафдорларини кўпайтиришдан иборатдир.

Бугунги сайловчи кечаги сайловчи эмас. Баъзи номзодлар популизмга ўтиши, яъни, қуруқ ваъдалар бериб, таги пуч гапларни ҳам айтиши мумкин. Аммо, бугунги сайловчи ҳар бир билдирилган фикрни чуқур таҳлил қилиши, ҳар қандай вазиятда мажозий маънода айтганимизда, қарши ҳужумга ўтиши мумкин. Шу маънода ҳам сайловчиларни ҳозирги ўзгаришлар, ислохотлар даврида алдаб, ўз изнига тушириш қийин. Шунинг учун ҳам номзоддан ўткир муношафаларни ажратиш белгилаб қўйилмоқда. Ишончли вакиллarning ўзи, номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради, сайлаш учун ташвиқот олиб боради, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатларини ифодалашда кўмак беради.

Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори, эксперт гуруҳи аъзоси



АҲОЛИНИНГ 99,4 ФОИЗИ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН РОСТМИ?

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, энергия ва сув ресурсларини тежовчи замонавий технологияларни кенг жорий этиш, умуман, одамларга қўлайлик яратиш – давлатимиз зиммасида турган устувор йўналишлар сирасига киради. Айниқса, аҳоли сонининг

Айни шу мақсадда мамлакат раҳбари томонидан "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ўта муҳим қарор имзоланди. Мазкур ҳужжатга кўра, соҳадаги ишларни тизимли йўлга қўйиш, ҳудудларда янги сув иншоотларини барпо этиш, сув қувурлари, насос станциялари, водопровод тармоқларини модернизациялаш каби аниқ-таниқ йўналишлар белгилаб олинди.

Бу борада вилоятимизда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Чирчиқ

шаҳрининг "Навбахор" маҳалласида 4,45 км, "Бирлик" маҳалласида 6 км., "Гулзор"да 0,529 км., "Маърифат"да 2,72 км. ҳамда А.Ясавий маҳалласида 3,3 км. оқова сув тармоқлари қўриб битказилди. Шунингдек, шаҳардаги 164 минг 838 нафар аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 99,4 фоизга етказилди. Уларга «Тошкент суви таъминоти» МЧЖ Чирчиқ шаҳар бўлими тасаруфидига 6 та сув иншооти хизмат қилади.

Албатта, бу каби сув иншоотлари тоза

ичимлик сувини етказишда муҳим аҳамият касб этади. У ўзига хос мураккабликлари қамраб олиб, сув бир неча босқич тозаланиб, аҳолига етказилади. Чунки, қўллаб қасалликлари, айнақса, юқумли гепатит хасталиклари айнан ичимлик сувининг нотозалигидан келиб чиқади. Бироқ Чирчиқ шаҳридаги иншоотларнинг аксарияти анча йиллар аввал қурилган. Мисол учун "Марказий" сув иншооти 1952 йилда қурилган бўлса, "Аранча" 1965 йилда, "Оқова сув тозалаш" иншооти эса 1975 йилда фойда-

Қарор ва ижро

Қарор ва ижро

муттасил ортиб бораётгани, янги турар-жой массивлари барпо этилаётгани, шаҳар ва қишлоқлар кенгайиб бораётгани, провардида, тириклик манбаи бўлмиш сувга бўлган эҳтиёжнинг тобора ошиши кечиктириб бўлмас муҳим вазифаларни масъуллар олдида қўймоқда.

ланишга топширилган. "Очиқ сув хавзаси" ва 1-кўтарма сув иншоотлари мустақиллик йилларида қўриб битказилган.

Шу боис баъзи иншоот қувурлари эскириб, мутлако таъмирталаб ҳолга келиб қолган эди. Бу эса, турли авария ҳолатларининг кўпайишига ва ичимлик суви таъминотида узиллишлар содир бўлишига олиб келмоқда. Мутасаддилар томонидан бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 164,8 км. қувурлар таъмирланмоқда.

НОЗИМА АРСЛОНОВА

Кун тасвири

ҚУЙИ ЧИРЧИҚда 277 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ўз тадбиркорликларини бошлаши учун субсидиялар ажратилди.

ПАРКЕНТ туманида янги замонавий спорт мактаби биноси фойдаланишга топширилди. Унда ёш спортчилар учун барча имкониятлар яратилган.

БЎСТОНЛИҚ туманида "Аёллар дафтар"га киритилган, боқувчисини йўқотган 315 нафар эҳтиёжманд, тиббий хизматга муҳтож, 1-2-гуруҳ ногиронлиги ва қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд аёлларга моддий ёрдам кўрсатилди.

ЯНГИЙЎЛ тумани "Қирарик" ҳамда "Ифтихор" маҳалласидаги кўчалар асфальтлаштирилди. "Гулбоғ" маҳалласида яроқсиз ҳолга келган эски симёғочлар янги бетон таянч устунларга алмаштирилди.

Эълон

1993 йил 8 февралда Шахасанова Малиха Гулманазировна номига берилган № 05-02/4870 рақамли давлат далолатномаси йўқотганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛДИ.**

СПОРТ янгиликлари

Енгилмас Шаҳрам яна голиб!

АҚШнинг Нью-Орлеан шаҳрида навбатдаги профессионал бокс оқшони ташкил этилди.

Унда ярим ўрта вазн тоифасида ўзбекистонлик чарм-қўлқоп устаси Шаҳрам Ғиёсов (14-0) америкалик тажрибали Харольд Кальдерон (27-1) билан тўқнаш келди. 12 раундга мўлжалланган мазкур жанг тўлиқ давом этди ва ҳакамларнинг яқдил қарори билан ҳамюртнинг ғалаба қозонди.

Қайд этиш жоиз, бу жанг WBA йўналишида мажбурий даъвогарлик учун элиминатор жанги мақомидда ўтказилди. Энди Ғиёсов WBA йўналиши чемпиони Эррол Спенс ёки WBA Regular чемпиони Эймантас Станионис билан жанг қилиши эҳтимоли юқори.

Зайнаб Дайибекова – Осиё чемпиони!

Хитойнинг Уси шаҳри қилчбозлик бўйича Осиё чемпионатида мезбонлик қилляпти.

Аёллар ўртасида сабля йўналишида кечган баҳсларда ҳамюртимиз Зайнаб Дайибекова олтин медални қўлга киритди. Плей-офф босқичида иккинчи сараланган спортчи сифатида ҳаракат қилган Дайибекова саралашда Вьетнам, Хитой, Австралия вакиллари, ярим финалда ҳиндистонлик

вани Чадалавадани, финалда эса уч карра жаҳон чемпионати совриндори, Токио-2020 Олимпиадаси бронза медали соҳибига жанубий кореялик Жису Юнни мағлубиятга учратди.

Бу спортчиимизнинг катталар ўртасидаги Осиё чемпионатларида қўлга киритган биринчи олтин медали.

Велоспортчиларимиз – шоҳсупада

Малайзия мезбонлик қилаётган велотрек бўйича Осиё чемпиони вакиллари учун омадли давом этмоқда.

Хусусан, ҳамюртларимиз Олга Забелинская ҳамда Нафосат Қозиева жувфликда совриндорлар қаторидан жой олишди.

Спортчиларимиз мурасиоз курашларга бой бўлган медисон йўналишида бронза медалига сазовор бўлди.

Бу терма жамоамиз учун мусобақадаги учинчи медаль бўлди. Бунгача юртдошларимиз биттадан кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишган эди. **"Тошкент ҳақиқати" мухбири Сухробжон САДИРОВ тайёрлади**

— Ёшлигимиз ўчоқда овқат, тандирда нон ёпиб, қишда печкага кўмир, ўтин қалаб ўтган, — дейди Ойпошша ая Сиддиковна. — Шукр, ҳозир ундай эмас. Бувиларимиз бизга ўтинни “бойлик” деб ўргатишган. Бу рост экан. Ҳозир ҳам маҳалламиз келинлари тандирда нон ёпишади, кўчадан сотиб олмаймиз. Томорқадаги иссиқхоналар ҳам ўтинда иситилади. Шунданми, бу йилги қаттиқ совуқда ҳам экинларимизга зарар етмади.

Ойпошша ая хонадонидagi иссиқхонага бошлади. Чамаси 5 сотихлик иссиқхонадаги булғор қалампирининг ҳосили мўл. Атрофига рўзгорда ишлатиш учун помидор, бодринг экилган. Аянинг невараси келинлари Мухлисaxon ҳам томорқа ишида миришкор чиқди. Оила аъзолари фермер даласидан 10 сотих ер олиб, қулпнай ҳам экишибди. Бундан ташқари, картошка, саримсоқ пиёз каби рўзгор учун зарур сабзавотлар ҳам парваришланмоқда.

Ая билан суҳбатлашар эканмиз, қайси экинни қай пайтда экиш, томорқани ўт-ўланган тоза тутиш ҳақида узоқ гапирдилар. “Мўл ҳосилнинг гарови — меҳнат. Қанча кўп меҳнат қилсанг, баракаси ҳам шунга яраша бўлади”, дейди ая.

Кейинги хонадон бекаси Раҳима ая Муборова 60 ёш бўлсада, гайратлари ёшлардек. Иссиқхонага экилган помидор ранг олишни бошлаган. Унинг тагидаги қулпнай тугагунча помидор етилиб турибдида. Яъни, даромад ҳам узлуксиз келаверади.

Дарвоқе, эшитганимиздаёқ кўчанинг номи қизиктириб қўйганди. Шу ҳақда сўрадик.

— Авваллари бу жойлар бўш майдон бўлган, — дейди маҳалла раиси Зоҳида Масланова. — Бирваракайга

саккиз оға-ини кўчиб келиб, ўрнашилган, уйлар қуришган. Шу-шу хонадонлар сони кўпайиб, маҳалла пайдо бўлган. Кўчанинг номи шундан қолган. Ҳозирда ўша оға-иниларнинг авлодидан Садриддин ота Мухиддиновлар оиласи бор. Улар маҳалламиздаги энг намунали хонадонлардан. Нуруний ёшда бўлишларига қарамай отaxon китоб мутлоқасини қанда қилмайдилар.

Биз ҳам Садриддин отани китоб ўқиётган ҳолда учратдик.

“Саккиз оға-ини” манзили



— Маҳалламизда кутубхона очиб, жуда савобли иш қилишдида, — дейди Садриддин ота. — Китоб ўқиб, ҳордиқ оламан. Мазмунини невараларимга айтиб бераман, уларни ҳам китоб ўқишга ўргатаймиз. Икки гапнинг бирида: “Китоб ўқинглар, кам бўлмасизлар”, дейман.

84 ёшли отaxonнинг китобхонлигига бир ҳавас қилсам, уй юмушларида ҳам тиниб-тин-



чимаслигига яна қойил қолдик. Шу ёшларида 2 бош новвос, 6 бош кўчорга ўз вақтида еми ва сувини бериш, 5 сотихли иссиқхонадаги булғор қалампир, помидор, бодринг парваришига бош-қош бўлишдан, ҳеч чарчадим демайдилар. Ўғли, келини, невараси Абдулборийнинг меҳнатқашлиги Садриддин отанинг тарбиясидан.

Маҳалладаги қайси хонадонга қирмайллик хоҳ томорқа, хоҳ иссиқхона бўлсин, бўш ётганини учратмадик. Хонадонлардаги бараканинг сабабчилари эса фарзандлари ва невараларига таърифул йўл кўрсатаётган, уларни ёшлигидан меҳнатга ўргатаётган нуруний отaxonу онахонлар эканлигини англадик.

Энди қайтамиз деб турганимизда, маҳалла раиси бизни иккинчи гуруҳ ноғирони Каримберди Ҳайитов хонадонига бошлади. Ўшиқдан киришимиз биланок ҳовлидаги саранжом-сарифатлик эътиборимизни тортди. Кичик

иссиқхонада помидор пишиб ётибди, ҳовли этагидаги кўра ҳам бўш эмас: имтиёзли кредит эвазига олинган 3 бош қорамол парваришланмоқда.

— 16 ёшимда ишлашга мажбур бўлиб, трактор ҳайдашни бошладим, — дейди Каримберди ака. — Ўшанда бахтсиз ҳодиса сабабли чап қўлимдан айрилдим. Аммо тушқунликка тушмадим. Ўзимни тутиб, қишлоқ ҳўжалиги йўналишида ўқидим. Пахтачилик бўйича илмий иш ёқладим, бир нечта пахта навларини яратишда қатнашдим. Нафақага чиққач, ҳовлида иссиқхона қуриб, даромад топяпмиз.

Каримберди аканинг ҳикояларини эшитиб, таъсирландик. Уларда айрим соғлом одамларда етишилган жаҳсиратни кўрдик. Ва бежизга “Жасорат” медали берилмаган экан, деган ҳулосага келдик.

Кўнни кеч қилиб қайтарканмиз, бу маҳаллага яна келишни, меҳнатқаш одамлар билан суҳбатлашни кўнглимизга туғиб қўйдик.

Нозима РАСУЛОВА, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Жалопиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

(Давоми. Бошланиши 1-сaҳифада)

Эътиборли жиҳати шундаки, “Uz kand” корхонасида маҳсулотларни тайёрлашда ҳеч қандай кимёвий моддалар ишлатилмайдилар. Биласиз, кўпгина ишлаб чиқариш заводлари маҳсулотини чиройли ва жим-жимдор кўриниши, кўзга яққол ташланиши учун турли

2022 йилда 65 та ҳолатда овқатдан заҳарланиш қайд этилиб, 518 нафар фуқаро жабрланган. Шундан 194 нафари ёш бемор ҳисобланиб, 2 нафар бола консерва маҳсулотини истеъмол қилиш оқибатида вафот этган. Жорий йилнинг дастлабки беш ойида бу кўрсаткич 107 нафари ташкил этмоқда. Улардан 22 нафари жажжи қоракўзлар бўлиб, 2 нафар бемор кучли заҳарланиш натижасида оламдан ўтган.

Ёшдан ортгани қишга шифо



кимёвий воситалардан фойдаланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай моддалар маҳсулотларнинг сифатини муддатидан олдин бузиб, уни истеъмол қилганлар заҳарланишмоқда, турли касалликларга чалинишмоқда. Ачинарлиси, жабрланаётганларнинг аксариятини кичик ёшдаги болажонлар ташкил этмоқда.

Гапимиз куруқ бўлмаслиги учун баъзи рақамларга юзланамиз.

Мазкур рақамлар кишини бир қадар ҳушёр ва маҳсулотларни харид қилаётганда янада эътиборли бўлишга ундайди. Ушбу корхонада эса шу каби кўнгилсизликлар бўлмаслиги учун 100 фоиз табиий усулда ва гигиеник қоидаларга риоя қилган ҳолда маҳсулотлар тайёрланмоқда. Бу эса, аҳолида “Uz kand” консерваларига бўлган талабнинг тобора ошишига хизмат қилади.

Суҳробжон САДИРОВ, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Жалопиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

Чоршанба ҳикмати

“Фаришталар” тўғрисида

Суданнинг Нил штатидаги мактабда ўқитувчилардан бири ўқувчилардан имтиҳон олади. Энг яхши натижа кўрсатган ўқувчига рағбат тариқасида янги пойабзал совға этилишини айтади.

Болалар хурсанд бўлиб, кўнл билан назорат ишини ёза бошлашади.

Ярим соат ичида ҳамма ўз ишини топширади. Ўқитувчи варақларни бирма-бир текшириб чиқса, барча ўқувчилари қўйилган масалани бехато ечишган эди. Ўқитувчи барчага ажойиб натижа учун миннатдорлик билдиради. Лекин, совға битта, уни кимга бериш борасида ўйлашиб қолади.

Зукко ўқитувчи дарҳол бунинг муносиб ечимини топади. Ҳаммаси ҳолис бўлиши, ҳеч кимнинг кўнглини қолдирмаслик учун ҳар бир ўқувчидан ўз исмини бир варақча ёзиб ва буклаб, бир қутича ичига солишни сўрайди. Ҳолиб қўрға ташлаш йўли билан танланишини эълон қилади.



Ўқитувчи қутичадаги букланган қоғоз парчаларини яхшилаб аралаштириб, ундан бир қоғозчани чиқариб, ўқувчининг исмини ўқийди: “Вафа Абдел Карим... Демак, у мукофот соҳибидир...” дейди ўқитувчи.

Вафа ўқитувчи ва барча болаларнинг қарсақлари остида кўз ёшлари билан олдинга қадар қўяди.

У барчага миннатдорчилик билдиради ва ўқитувчисидан ўзи учун жуда зарур бўлган ушбу ажойиб совгани қабул қилиб олади.

Унинг пойабзали батамом эскириб, патурдан кетган, жуда кўп таъмирланган, ота-онаси эса камбағаллиги сабабли янғисини сотиб олиб беришолмаган эди.

Ўқитувчи ҳам шу қуни хурсанд бўлиб уйига қайтади ва бу воқеани эрига йиғлаб айтиб беради. Эри воқеани эшитarkan, хотинидан кўз ёшларининг боисини сўрайди.

Ўқитувчи кўз ёшларини артиб, шундай дейди:

— Танаффус пайтида қутини очиб, қоғозчаларни қарасам, ўзининг ҳаммасида “Вафа Абдел Карим” исми ёзилган экан...



Мана гап
Бу дунё мавжудлигининг ўзи — бошқа, бундан мукамал дунё борлигининг кафолатидир.
Пауло КОЭЛО
(Алкимёгар)

Қурилиш материаллари зарур бўлиб, бозорга бордим. Тахта бозор. Усталар “5*3 рейка керак”, дейишганди. Рейка қарадим. Нархи 5500 сўм экан. Бир сотувчи айтди:

— Ака, сизга 5*3 керакми? Булар 5*3 дегани билан шунча чиқмайди. Мана, — деб ўлчаб берди.

Чиндан ҳам 4*2 экан. 5*3 олиш учун 6*4 деганидан топиш керак экан. “Ҳа, майли” деб, 6*4 олдим. Усталар бўйи 6 метр бўлсин деганди. 6 метрик сўрадим. “Мана”, деб дарров юклашни бошлади. Бирдан миямга бир фикр келди. “Ука, метрни олинг”, дедимда шартта ўлчамдим. 6 метр дейилган рейка 5*70 экан. Ҳам энидан, ҳам бўйидан...

Усталар билан ғишт уришга шартнома қилдим. Ғиштни урганидан эмас, машинада келганидан санар экан. “Қамаз” да келган ғиштни эринмай, доналаб санадим. 5000 та дейилган ғиштдан иссофи бори 300 та, йўқса 500 тагача “урар” экан. Уста шуни билгани учун ғиштни терганидан эмас, келганидан, ҳисоблар экан. Ҳам

ундан, ҳам бундан чув тушасиз. Усталар ҳаммаси “дом строй”-га (қурилиш материаллари сотадиган катта дўкон) етаклайди. Улар бу ердан карта очиб олган. Пластика ўхшаган. Уйни эгаси бориб, савдо қилади. Устага эса ун фоиз картасига “улуши” тушади.

Яқинда машина учун антифриз сотиб олдим. Маҳсулот қозғода ёзилгани каби -20 градус ва -40 градуслик чиқди. Бозордаги ҳамма маҳаллий антифриздан қиммат. Сабабини тушунмай, ҳамма антифризлардан намуна олиб келиб, -5 градусли холодильникка қўйдим. Уч соатда барчаси тахта бўлиб қотди. Ишлаб чиқарувчиларга ҳолатни видеога олиб юборсам, соқолли ҳожи акаларнинг пинаги



ҳам бузилмади. Бир дўстим бензин “заправка” да ишлади. Энг инсофлик заправка ўнгига бир литр, қолганлари икки литр урар экан. “Мени билганим — урмайдигани йўқ”, дейди танишим. Ҳамма билар экан шундайлигини.

Уйфурушларга уйингизни сотмоқчи эканлигингизни айтасиз. “Бўлди, нақдга ўзимиз оламиз”, деб баҳолайди. Табиийки, сиз қимматроқ нарх хоҳлайсиз. Тузоғига тушганингиз шу. Қанақанда уйингиз сотилиши ҳақида эълон беради. Сиз “клиент” кутасиз. Уйингизни олмоқчи бўлган

харидор уйфурушга телефон қилади. Уйфуруш у уй сотилганини, истаса бошқа уй борлигини айтди. Сизга эса ҳамтовогини жўнатади. Ҳамтовок уйингизни кўриб, дастлабки уйфуруш айтган нархдан анча паст баҳо айтди. Шу тариқа учинчиси, тўртинчиси келиб арзон нарх айтаверади, айтаверади. Тоқатингиз тоқ бўлиб, биринчи айтган нархингизга ўзингиз олиб қўя қолинг, дейсиз. Хўп, дейди деб уйлайсизми? Содда бўлманг! Энди уйингизни биров олмаётганини, бошида шу нархда кетиши мумкинлигини, ҳозир эса яна беш юз ёки минг “кўки”да арзонга олиб қолишини айтди. Пул зарурлиги-



дан рози бўлиб юборасиз. Бу “приём”ни ҳаммага ҳам қилмайдилар. Пул зарур, “пожар” деган одамлар “жирийн” клиент.

Бозорда кабелчилар бор. Улар, асосан, давлат муассасаларига, қурилиш объектларига маҳсулот сотишади. Улгурижи нархда. Заводдан чиққан кабелни хўп ўртага олиб, чўзишади. Метрини кўпроққа айлантириш учун. Кейин яна ҳеч нарса бўлмагандек, завод “упаковка”сини қайтадан қилиб, сизга пуллашади.

Оддий сода бор. Совет давридан бери 500 граммлик қадоқда бўлар эди. Грамми қамайиб, ка-

майиб, 250 га тушган. Билмаган “Ҳақиқийси фалончиди қиммат экан, мана бу арзон сотади”, деб олаверади.

Ичи тўла бўладиган гугурт ярим бўлиб қолган. Сантиметрлаб, миллиграммлаб урилаверади, камаяверади.

Цементга қум қўшаётганлар, сутта сув қўшаётганлар ҳеч кимга сир бўлмай қолган.

Машина бозорига борсангиз ҳамма автоуловни доктор ёки ўқитувчи минган. Фақатгина ишга бориб келган бўлади. Уч марта думалаган машинада озгина “петно” бўлади. Бозорда думалаган,

БОЗОР... ОЗОР... ЗОР... ОР...

қаттиқ зарба еган автомобилнинг ўзи йўқ. Сиз йўлларда кўрган думалаб, пачоқланиб, мажақланиб кетган машиналар бозорга кирмайдилар. Металлоломга кетади, гўё...

“Olx.uz”, “Avtoelon.uz” каби тармоқлар савдони ўлдирганмиш. Барака йўқ эмиш.

Санаганларим бирор давлат хизматчисининг порахўрлиги ёки қайсидир ташкилотнинг кассавурлиги эмас, оддийгина одамларнинг ишлари. Бир-биримизга бўлган муносабат.

Ҳамма менга ўхшаб фаришта бўлса, юқоридаги ишларни қайси “олабўжи” қиляпти?

Саййид ИСЛОМ



TOSHKENT HAQIQATI ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:
**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Shavkatjon RAHIMOV

Tohir ARIPOV

Ravshan RAIMOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@mail.uz

Navbatchi muharrir:
Erali NORBEKOV
Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
O'tkir HOSHIKOV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Bosishga topshirildi - 21.00
Nashr ko'rsatkichi - 205.
Buyurtma G-631.
7 271 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Manzillimiz:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi
ofisimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko'chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.